



## Ислом Нури

### Мусофирларга хос ҳукмлар

(16) Мусофир маълум шартларга кўра рўзасини очиши (яъни, рўза тутмаслиги) жоиздир. Унинг сафари масофа жихатидан ёки урфга кўра сафар деб қабул қилинадиган (бу борада олимлар турли хил қарашдалар) бўлиши ва шаҳар (ёки қишлоқ) дан ва унга улашган уйлардан чиқиши лозим. Кўпчилик олимлар: «Мусофир шаҳар чегарасидан ўтмагунича рўзасини очмасин. Чунки, у хали шаҳар ичида «муқим» ва шу ерда «борлардан» дир» — дейишган. Аллоҳ таоло шундай буюрган: «... **Бас, сизлардан ким бу ойга ҳозир бўлса рўза тутсин...**» (Бақара: 185). Киши юртидан чиқмагунича мусофир ҳисобланмайди. У ўз шаҳри ичида бўлса, муқим ҳисобланади. Шунинг учун рўзасини очиши ва намозларини қаср қилиб ўқиши жоиз эмас. Кўпчилик олимлар агар киши гуноҳ-маъсият мақсадида сафар қилаётган бўлса, унинг учун бу сафар ҳисобланмайди деганлар.

(17) Ислом Умматининг ижмосига кўра мусофир сафарда рўза тутишга қодир ва имконияти бемалол бўлса ҳам, рўза тутиш унга оғирлик қиладими ёки қилмайдими, енгил сафарда ва унга хизмат қиладиган кишилар бўлса ҳам, рўза тутмаслиги ва



## Ислом Нури

намозни каср килиб ўқиши мумкин. (Мажмуул фатава).

(18) Бир киши Рамазонда сафар килишга ният килса, то сафар килмагунича рўзасини очмасин (рўза тутишни тарк килмай турсин). Чунки, бирор сабаб билан сафар кила олмай колиши мумкин.

Мусофир ўзи яшайдиган шаҳар (кишлоқнинг) уйларида чикмагунича рўзасини очмасин. Шаҳар (кишлоқ) нинг уйларида чикканидан кейин очиши мумкин. Агар у учок (самолёт) да учаётган бўлса, учок кўтарилиб шаҳарнинг уйларида чикса ёки тайёрагоҳ шаҳарнинг ташқарисида бўлса тайёрагоҳга етгач рўзасини очиши мумкин.

(19) Агар куёш ботса ва ерда эканида рўзасини очса, кейин учокда куёшни кўрса ҳам, ейиш-ичишдан тўхтамайди. Чунки, у шу куннинг рўзасини тўлик тамомлади, тугатилган ибодатни кайтаришни иложиси йўқ. Агар учок куёш ботишидан олдин кўратилса ва сафар аснода шу куннинг рўзасини етказишни хоҳласа, хаваф эканида қаерда бўлишидан қатъий назар куёш ботишини кутиши керак. Учувчи рўзани очиш мақсадида, куёш кўринмайдиган даражада пастлаши мумкин эмас. Чунки, бу хийладир.



## Ислом Нури

Аммо жиддий бир сабаб туфайли учокни пастлатса ва натижада куёшнинг доира шакли кўринмай колса, у холда рўзадор рўзасини очиши мумкин. (Шайх ибн Боз фатволаридан).

(20) Кўпчилик олимлар фикрига кўра, киши бир жойга сафар килса ва у ерда 4 кундан кўп муддат туришни ният килса, рўза тутиши керак. Шунинг учун агар киши хорижга (ёки узокрок шахарга) ўкиш учун борса, жумхур уламолар, тўрт мазхаб имомлари хам шулар жумласидан — у ўша ерлик хисобланади ва рўза тутади, намозларини тўлик ўқийди.

Агар мусофир бошка бир шахардан ўтса ва у ерда 4 кундан ортик турадиган бўлса, унинг хукми муким (ерлик)лардан хисобланади. (Ибн Боз «фатава аддаъва»).

(21) Бир киши мукимлик холатида рўза тутган бўлса ва ўша куни сафарга чикса, рўзасини очиши жоиз. Чунки, Аллох таоло мутлак сафарни рўза тутмаслик учун рухсат килган: **«... Ва ким хаста ёки мусофир бўлса, у холда (рўза тутолмаган кунларининг) саногини бошка кунларда (тузалгач ёки сафардан кайтгач)**



## Ислом Нури

**тутади...»** (Бакара: 185).

(22) Мусулмонларга хизмат киладиган хат ташувчи (такси хайдовчилар, учувчилар, хаво йўли ишчилари) каби сафарга кўп чикувчи киши ҳам рўзасини очиши жоиз, кейин казосини тутиб беради (яъни сафар вақтида рўза тутмаслиги мумкин). Курукликда яшайдиган уй-жойи бўлган денгизчи ҳам шу кабидир. Аммо хотин ва бошка барча эҳтиёжлари ўзи билан бирга бўлган, лекин доимий сафарда бўлган денгизчи сафар рухсатларидан фойдаланмайди. Рўзасини вақтида тутади ва намозларини тўла ўқийди. Агар бадавийлар (кўчманчи сахройлар) ўзларининг кишда яшайдиган жойларидан ёзда яшайдиган жойларига кўчсалар, ёки аксинча бўлса, кўчиш давомида рўза тутмай туришлари ва намозларни кискартиришлари мумкин. Аммо кишлик ёки ёзлик жойларига етиб келишгач рўзаларини тутадилар ва намозларини тўла ўқийдилар. (Ибн Таймийя «Мажмуул фатава»).

(23) Агар мусофир кундузи манзилига етиб келса, ейиш-ичишдан тўхташи ёки тўхтамаслиги тўғрисида олимлар турли сўзларни айтганлар. Аммо эҳтиётлиси шу ойнинг хурматидан еб-ичишдан тўхташлигидир. У шу кунда еб-ичишдан тўхтаган бўлса



## Ислом Нури

хам шу куннинг рўзасини бошқадан тутиб беради.

(24) Агар киши рамазонни бир шаҳарда бошлаган бўлса, кейин у ердаги одамлар ундан олдин ёки кейин рўза тутишни бошлаган бошқа шаҳарга сафар қилса, унинг ҳукми ана шу шаҳар ахлининг ҳукмидадир. Улар билан бирга рўза тутади ва улар билан огзини очади, гарчи у ўттиз кундан ортиқ рўза тутса ҳам. Чунки, расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Хамма катори рўза тутиб, хамма катори рўзани очинглар (тугатинглар)» (Термизий ривояти) — деб марҳамат қилганлар. Агар унинг рўзаси 29 кундан кам бўлиб қолса, хайитдан кейин санокни тўлдириб тутиб қўяди. Чунки, хижрий ой 29 кундан кам бўлмайди. (Ибн Боз «фатава ассиям»).

### Касалга хос ҳукмлар

(25) Киши хасталик ҳолатида рўза тутмаслиги жоиздир. Бунга қуйидаги оят асос бўлади: «... **Ва ким хаста ёки мусофир бўлса у холда (рўза тута олмаган кунларининг) саногини бошқа кунларда (тузалгач ёки сафардан қайтган) тутди...**» (Бақара: 185).

Аммо йўтал, бош огриги каби енгил касалликлар рўза тутмасликка



## Ислом Нури

сабаб бўла  
олмайди. Агар рўза тутса, касаллигини яна ҳам ёмонлаштириши ёки  
тузалишининг  
оркага сурилиши тиббий исботланса, киши ўз тажрибаси ёки одатидан  
буни билса ёки  
бунга гумони голиб бўлса рўзасини очиши жоиз. Хатто бундай ҳолатда  
унинг рўза  
тутиши макрухдир. Агар киши касал бўлса, ўша кечаси эртага рўза  
тутишни ният  
килмасин, гарчи эрталабгача тузалиб қолиш эҳтимоли бўлса ҳам.  
Чунки, ҳисобга  
ҳозирги ҳолат олинади.

(26) Агар рўза кишининг ҳушидан кетишига сабаб бўлса, рўзасини  
очсин ва кейин  
ўтказиб юборган кунларининг саногини тўлдириб, тутиб қўйсин.  
(Мажмуул фатава).

Агар киши кундузи ҳушидан кетса ва шомдан олдин ёки кейин ўзига  
келса, эрталаб  
рўза тутган бўлса, унинг рўзаси ярокли ҳисобланади. Агар у  
бомдоддан шомгача  
ҳушидан кетса, кўпчилик уламолар олдида унинг рўзаси яроксиздир.  
Кўпчилик  
уламолар олдида канча муддат ҳушидан кетган бўлишидан катъий  
назар, ҳушидан  
кетган киши кейинчалик ўша кунлар учун бошқа рўза тутиб бериши  
фарз. (Алмугний  
маъа ашшархил кабир). Баъзи олимлар ҳушидан кетган ёки унга  
фойдали бўлиши учун  
уйку дори ичирилган ёки наркоз берилган киши натижада ҳушидан



## Ислом Нури

кетиб колса, агар  
унинг беҳушлиги уч кун бўлса, ухлаб колган кишига киёсланиб,  
рўзасининг казосини  
тутади. Агар уч кундан ортик беҳуш бўлса, мажнунга киёсланиб,  
рўзасининг  
казосини тутмайди. (Шайх Ибн Бознинг фатоволаридан).

(27) Агар киши кучли очликни ёки каттик чанкокни хис килса ва шу сабабли ўлиб  
колишдан ёки бирон аъзосига тузалмайдиган даражада зарар етиб  
колишидан кўркса  
ва бу шунчаки гумон эмас, балки шундай бўлишига аник ишонса, у  
рўзасини очиши  
мумкин. Кейин казосини тутиб беради. Чунки, жонни саклаб колиш  
фарздир. Аммо  
киши эҳтимолли кийинчилик, чарчаш ёки баъзи касалликларни  
орттириб олишдан  
кўрккани учун рўзасини очиши мумкин эмас. Жисмоний куч талаб  
килувчи ишларда  
ишловчи кишилар рўзаларини очишлари мумкин эмас ва улар хар  
куни кечкурун эртага  
рўза тутишни ният килсинлар. Агар улар кун мобайнида ишларини  
тўхтата олмасалар  
ёки бирор зарар етиб колишидан кўрксалар ёки рўзасини очишига  
сабаб бўладиган  
жиддий машаккатга рўбарў келсалар, ўша машаккатни бартараф  
килиш учун етадиган  
микдорда ейишлари мумкин. Сўнг то куёш ботгунга кадар ейиш-  
ичишдан тийиладилар  
ва кейинчалик ўша куннинг рўзасини бошка тутиб беришлари



## Ислом Нури

шартдир. Метал эритиш  
ва шу каби жойларда ишловчи кишилар ўз иш вақтларини кечки  
сменага  
ўзгартирсинлар ёки рамазон оyi кирганда таътилга чиксинлар.  
Ойликсиз бўлса ҳам,  
таътил олсинлар. Агар иложи бўлмаса, у холда диний ва дунёвий  
бурчларни бемалол  
адо эта оладиган бошка жойлардан иш изласинлар: **«Кимки  
Аллохдан кўркса У Зот  
унинг учун (барча гам-кулфатлардан) чикар йўлни (пайдо)  
килур. Уни ўзи ўйламаган  
томондан ризклантирур.»** (Талок: 2,3).

Талабаларнинг имтихонлари рамазонда рўзаларини очиш учун узрли  
сабаб эмас.  
Ота-она имтихон пайти рўза тутма, деса ҳам уларга итоат килинмайди.  
Чунки,  
яратувчига осий бўлиб қолинадиган ўринларда бандаларга итоат  
килинмайди. (Фатава  
аллажнатид даима).

(28) Согайишига умид килаётган хаста киши яхши бўлиб кетгунигача  
кутсин,  
кейин ўтган кунларининг казсосини тутиб тўла килиб кўйсин. Унга  
хар кун  
хисобидан бир мискинни тўйдириб кўйиш жоиз эмас. Тузалмайдиган  
касалга дучор  
бўлган бемор, рўза тутма олмайдиган кекса кишилар рўзанинг хар бир  
кунидан ярим  
соъ махаллий таом билан бир мискинни тўйдириши керак (мас: гуруч,





## Ислом Нури

бугдой). (Ярим соъ бир ярим килога тенгдир). У бунинг хаммасини жамлаб ойнинг охирги кунда мискинларга едириши ёки хар кунни бир мискинни тўйидириш билан адо этиши мумкин. Оятга кўра бу фидя мискинга пул шаклида эмас, овкат шаклида берилиши керак. (Фатава аллажна аддаима). Бу ишни агар ўзи кила олмаса, бирорта ишончли киши ёки ташкилотга унинг номидан таом олиб мискинларга таркатиши учун пулни берса бўлади.

Рамазонда рўза тутмаган бемор, тузалгач ўтган кунлари учун рўза тутиб беришни кутиб турган бўлса, кейин унинг касали тузалмас эканлиги аён бўлиб колса, у хар бир кундан бир мискинни тўйдиради. (Ибн Усаймин фатволаридан).

Согайишини кутиб турган киши вафот этса, унинг ва меросхўрларининг зиммасида хеч қандай қарз қолмайди. Кишининг касали тузалмас бўлса, ва шунинг учун у рўза тутмасдан ўтказиб юборган рўзаларининг ўрнига мискин тўйдирган бўлса, кейин тиббиёт илмининг ривожланиши натижасида унинг давоси топилиб согайиб кетса, унга ўтган кунларидан бирон нарса лозим бўлмайди. Чунки, у ўша вақтида қилиши керак бўлган нарсани қилган. (Фатава аллажна аддаима).



## Ислом Нури

(29) Агар касал согайиб ўтказиб юборган кунлари учун рўза тута оладиган холга келса, аммо тутиб беришдан олдин вафот этса, унинг молидан ўтказиб юборилган хар бир кун учун бир мискинга таом чиқарилади. Агар кариндошларидан бирортаси унинг номидан рўза тутиб беришни хоҳласа, бу бўлади (мумкин). Чунки, бу ҳақда саҳихайнда расулulloх саллalloху алайхи ва саллам: «Кимда ким рўзадан қарзи бўлган холида вафот этса унинг учун валийси (меросхўри) рўза тутиб берсин» деб марҳамат қилганлар. (Фатава аллажна аддаима).

### **Кекса ва қариялар**

(30) Қучдан қолган қария ва қундан-қун заифлашиб бораётган кексаларга рўза тутиш машаққатли бўлса, улар учун рўза тутмасликлари жоиз. Ибн Аббос розияллоху анхумо қуйидаги: «...(кексалиги ёки заифлиги сабабли) рўза тутишга қийналадиган кишилар бир мискин-бечоранинг бир кунлик таоми миқдорида эваз тўлашлари лозим» (Бақара: 184). Ояти ҳақида: «Бу оят бекор (мансух) қилинмаган. Бу рўза тута олмайдиган кекса қол ва қари кампирдир, уларнинг хар бири хар куни бир мискинни тўйдирсин» дер эди. (Имом Бухорий ривояти).



## Ислом Нури

Кексалиги туфайли заифлашиб, нарсаларнинг фаркига бормай колган киши ва на унинг оиласи бирор нарса килиши (яъни ўрнига рўза тутиш ёки мискинни тўйдириши) фарз эмас. Чунки, ундан жавобгарлик сокит бўлган. Агар у баъзан нарсаларнинг фаркига етиб, баъзан фаркига етмаса, унинг нарсаларининг фаркига етган вақтида рўза тутиши фарз, фарқлай олмайдиган пайтида фарз эмас. (Мажалису шахри рамазон).

(31) Душман билан жанг килаётган ёки душман юртларини куршаб олган кишиларнинг рўза тутишлари жангда заифлашиб қолишларига сабаб бўлса, хатто сафарда бўлмасалар ҳам рўзаларини очишлари мумкин. Агар жангдан олдин рўзаларини очиш керак бўлиб колса, очишлари мумкин. Расулуллох саллаллоху алайхи ва саллам бир жанг олдидан асхобларига рўзаларини очишлари тўғрисида: «Эрталаб душманларингиз билан учрашасизлар, рўза тутмасаларинг бақувватроқ бўласизлар. Шунинг учун (эртага) рўза тутманглар» — дедилар. (Имом Муслим ривояти). Ибн Таймийя ҳам шу кавлни ихтиёр қилганлар ва шом ахлига мўғил-татарлар хужум қилганда улар шаҳар ичида бўлишларига карамай шу фатвони берганлар.



(32) Агар киши касаллик каби кўриниб турган сабабларга кўра рўза тутмаётган бўлса, очик-ошкор еб-ичишида ҳеч қандай ёмонлик йўқ. Бирок, хайз каби яширин сабаб тугайли рўза тутмаётган бўлса, турли гап-сўзларга сабаб бўлиб қолмаслиги учун махфий еб-ичиши яхшироқ.